

## МАҚОЛЛАР ТИЛШУНОСЛИК СОҲАСИНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Умида ГАДЖИЕВА

ўқитувчи

Ориентал нодавлат университети

Тошкент, Ўзбекистон

umida.fayziyeva@mail.ru

### Аннотация

Ушбу мақолада мақолларнинг тилшуносликнинг ўрганиш объекти сифатидаги ўрнига доир илмий қарашлар баён этилган.

**Таянч сўзлар:** мақоллар, маталлар, фразеологик бирликлар, менталитет, когнитив тилшунослик.

## ПОСЛОВИЦЫ КАК ОБЪЕКТ ИССЛЕДОВАНИЯ В ОБЛАСТИ ЯЗЫКОЗНАНИЯ

Умида ГАДЖИЕВА

преподаватель

Негосударственный университет Ориентал

Ташкент, Узбекистан

umida.fayziyeva@mail.ru

### Аннотация

В данной статье описываются научные взгляды на пословицы как объект изучения языкознания.

**Ключевые слова:** пословицы, поговорки, фразеологизмы, менталитет, когнитивная лингвистика.

Мақоллар халқнинг дунёқараши, рухиятини чуқурроқ англашга имкон берувчи миллий-маданий бирликлардир. Халқ оғзаки ижоди халқнинг халқ бўлиб шаклланиш ва ривожланиш давридан бугунгача босиб ўтган йўли, ҳаёт тажрибалари, қувонч-шодликлари, меҳнат машаққатлари, шунингдек, халқнинг донолиги, ақл-заковатини кўрсатувчи ўзига хос маданият кўзгусидир. Улар ҳар бир халқнинг қон-қонига сингиб кетган, ҳаёт тарзига айланган бой маънавий мероси, ўлмас қадриятлари ҳисобланади. Халқ оғзаки ижодининг асрлар оша, авлоддан-авлодга, тиллардан-тилларга ўтиб, камол топиб келаётган ўзига хос жанрларидан бири бу – халқ мақолларидир. Улар кўп асрлар давомида халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тажрибалари, ҳаётини кузатишлари асосида юзага келади. Халқ оғзаки ижодидаги ҳар бир жанр халқнинг интеллектуал салоҳиятини, ўзлигини,

ўзига хослигини кўрсатувчи воситадир. Масалан, халқ маросимларида бажарилган ҳар бир амал, иримларда асрлар давомида амал қилиб келинган урф-одатлар, эътиқодлар ётса, топишмоқларда халқнинг донишмандлиги, донолиги, топқирлиги, ҳозиржавоблиги; кўшиқларда халқнинг юракларидаги орзу-умидлари, интим кечинмалари акс этса, мақолларда эса халқнинг ҳаёт тажрибасидан ортирган сабоқлари, хулосалари, инкор этиб бўлмас ҳаёт ҳақиқати тарзида ўз аксини топади [11]. Шунинг учун ҳам улуғ рус ёзувчиси Л.Н.Толстой мақолларнинг халқ ҳаёти, рухий дунёси билан нақадар яқин эканлиги ҳақида тўхталиб: «Ҳар бир мақолда мен шу мақолни яратган халқнинг сиймосини кўраман», деб ёзган эди. Адиб М.Шолохов эса «Мақол қанотланиб асрлардан-асрларга, авлоддан- авлодга кўчиб юради ва бу халқ донишмандлиги парвоз қилаётган уфқнинг ниҳояси кўринмайди», деб халқ мақолларининг инсон ҳаётида битмас-туганмас хазина эканлигини алоҳида таъкидлайди [11].

Мақол ва маталларни нафақат адабиётшунослик ёки фольклоршуносликда, балки тилшуносликда ҳам ўрганиш муҳим ҳисобланади. Шу ҳақда В.А.Маслованинг ёзишича: «Мақол ва маталлар одатда фольклорда жанр матнлари сифатида ўрганилган, тилшуносликда эса уларни ўрганиш эндигина бошланмоқда». В.А.Маслова лингвокультурологияда фақат табиати ва фаолияти муайян халқнинг тарихи, маданияти ва ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган мақол ва маталларни ҳисобга олиш кераклигини таъкидлайди [8:208]. Шунингдек, Э.С.Мезенцеванинг ёзишича, мақол ва маталларга ҳам халқ менталитетининг инъикоси сифатида когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан қаралади. Мақол менталитети айнан мақолнинг менталитети эмас, балки халқнинг, аниқроғи, халқнинг муайян ижтимоий гуруҳлари акс эттирилган менталитетдир [9:23-26]. Мақол ва маталлар халқ мулкидир. Ҳар бир халқнинг ўзига хос мақол ва маталлари бор, уларнинг ҳар бири кўп асрлик тарихга эга, турли тиллардаги мақолларнинг когнитив тузилмаларида ҳам ўхшашлик, ҳам фарқлар мавжуд бўлиб, бу бизга қиёсий таҳлил қилиш

имконини беради ва натижада турли этник гуруҳларнинг тиллараро ва маданиятлараро тадқиқот менталитети истиқболларини кашф қилишга тurtки бўлади [4:54]. Умуман тилларнинг паремиологик фондига ва уларнинг энг кўп қўлланиладиган синфи сифатида мақолларга қизиқиш сўнгги йилларда ортди, бу бир қатор омиллар: матнларда турли жанр ва услубий йўналишларнинг кенг қўлланилиши, матндаги паремияларнинг прагматик юкининг ўсиши, шу жумладан, интернет тили, мақолларни янги жиҳатларда (лингвокультурологик, лингвоаксиологик, лингвокогнитив, лингвокультурографик ва бошқ.) кўриб чиқиш; паремияларнинг турли жанрлари: белгилар, топишмоқлар, ва бошқаларни батафсилроқ ўрганиш кабилар билан боғлиқ. Паремиологияни тилшуносликнинг бир тармоғи сифатида ўрин эгаллашида етакчи роль таниқли фразеолог, паремиолог Валерий Михайлович Мокиенкога тегишли, у фразеологиянинг лингвистик фан сифатида татбиқ қилиниши, тадқиқотчиларни «фразеологик бирликлар ва паремияларнинг соф лисоний хусусиятлари, уларнинг бадиий нутқда қўлланиши, бошқа халқлар фольклор фонди билан ўзаро алоқаси, бошқа тилларга таржима қилиш муаммолари» билан қизиқтирганлигини таъкидлайди [2:267].

В.Н.Телиа, лингвокультурология йўналишининг асосчиси тилнинг фразеологик манбаларини ўрганар экан, мақолни ўзига хос миллий «код» ёки маиший маданият тили сифатида кўриб чиқади, у асрлар давомида шаклланиб, авлоддан-авлодга ўтиб, муайян маданият вакилларининг ҳаётий позицияси ва фалсафасининг барча ўринларни ўзида акс эттиради. М.Л.Ковшова лингвокультурологик ёндашув Н.И.Толстой томонидан ишлаб чиқилган этнолингвистик таҳлил билан боғлиқлигини таъкидлайди. Лингвокультурологик усул «маданий маълумотлар лингвистик белгиларда сақланади ва узатилади – ўтмишни тушунтириш ва келажакни башорат қилиш» позициясига асосланади. Мақолларнинг лексикографик тавсифи билан бирга келадиган лингвистик ва маданий шарҳлар тегишли бирликни талқин қилишда хатолардан қочиш имконини беради [1:23].

Мақол ва маталларнинг лингвистик объект бўлишининг яна бир сабаби, турли тиллардан фразеологик бирикмаларни таржима қилишдаги бир канча муаммоларнинг юзага келишидадир. Таржима аспекти бадий амалиёт ва таржима назариясида юзага келадиган турли муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Бу жиҳат контрастив усул билан боғлиқ, аммо бир қатор муҳим ва ўзига хос омиллар мавжуд: таржимоннинг малакаси, тилларнинг паремиологик фондини билиш, ёзувчи – бадий асар муаллифининг ниятини тушуниш. Бундан ташқари, мақолларни таржима қилиш “таржимондан тилнинг маданияти ва миллий ўзига хослигини яхши билишни, функционал доминантларни, ҳиссий-экспрессив фонни ва стилистик хусусиятларни сақлашни талаб қилади” [14:12].

Замонавий тилшуносликда мақолнинг ўрнини аниқлаш ва унинг мақомини белгилаш муаммолари доимо долзарб бўлиб қолмоқда. Бунинг сабаби турли хил ҳаётий вазиятларнинг белгилари ва моделлари сифатида мақолларнинг кўп қирралилиги, хилма-хиллигидадир. Бундан ташқари, ушбу мавзунинг долзарблиги паремия таърифининг энг кенг кўриниши – кўчма лексемадан тўлиқ такрорланадиган матн гача бўлган имконият билан боғлиқ [1:25]. Лингвистик маънода мақол ҳам матн, ҳам ишора (Э.В.Иванова, Г.Л.Пермяков), тил белгиси мақомига эга бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб шаклланиш (В.В.Гвоздев) ҳисобланади. Девид Крамнинг фикрича, мақол ички ва ташқи тузилиши ўзгармаган бирлик тури сифатида эса қолиши ва қайта-қайта қўлланиши маъносида кўчирма мақомига эга лексик элементдир. Мақоллар маиший ва шахслараро муносабатлар доирасини аниқлаш ва клише қилиш ва бу маданий категорияларни авлоддан-авлодга етказишга хизмат қилади [1:26].

Мақоллар семантикасига кўра бир неча гуруҳга бўлинади: Биринчи гуруҳ савдо ва иқтисод билан боғлиқ бўлган географик номли ва «Кераксиз ва бефойда иш қилмаслик керак» семантикасига эга бўлган мақоллардан иборат: рус. *В Тулу со своим самоваром не ездят (Тулага самовари билан борилмайди)*, инглиз. *To send coals to Newcastle (Ньюкаслга кўмир*

юборгандек), фин. *Ei kanneta lunta Lappiin (Laplandiyada qor kiytang [2:269]*. Худди шу мақол ўзбек тилида ҳам “Ўрмонга ўтин билан борилмайди” тарзида қўлланилади. Иккинчи гуруҳ мақолларига келсак, топонимни ўз ичига олган, бирон-бир мақсаднинг кўзланишини ифода этган, бирор-бир талабни англатади (“Сўраса, топасиз” семантикасини ифодалайди). Рус тилида Киев ва Москва шаҳарларида шундай мақсад сифатида ҳаракат қиладиган мақоллар мавжуд: “*Тил Киевга олиб келади*”; “*Тил билан Москвагача боради*”. Қадимги даврларда Киев Россия давлатининг пойтахти бўлган, «рус шаҳарларининг онаси» ибораси машҳур. Пойтахтнинг бу тасвири “Ўтган йиллар ҳақидаги эртақ”дан маълум бўлиб, унда 882 йилда шахзода Олег “Киевда ҳукмронлик қилиш учун ўтирди” ва “се буди мѣи градомъ рускими ” (“Бу рус шаҳарлари онаси бўлсин”) дегани тасвирланган. Кейинчалик Россиянинг давлат маркази Москвага кўчирилди ва у охири оқибат улкан мамлакатнинг пойтахтига айланди. Мақолнинг маъноси шундан иборатки, зарур ва муҳим мақсадга (пойтахт) узоқ бўлсада, одамлардан йўл-йўриқ сўраш билан эришиш мумкин [2:275]. Ўзбек тилида *Излаган имкон топади*, араб тилида *Ман жадда важада* (қидирган топади) каби мақоллар қўлланилади.

Шарқда ҳурматга сазовор диний марказ Макка ҳисобланади. Айнан шу муқаддас шаҳар тожик мақолларида сўроқнинг асосий мақсади бўлиб хизмат қилади: Пурсида-Пурсис Маккаро Эфтаанд (Сўраб, сўраб Маккага борилган) [15:276]. Макка жуда узоқда, Тожикистондан қадимда бу шаҳарнинг зиёратгоҳларига бориш осон эмас эди, лекин бу ҳам аллегория. Мақолнинг маъноси шундаки, одамлардан сўраб, мақсадга эришилади. Бу топонимнинг мусулмон Шарқи халқлари ҳаётидаги ўрни жиҳатидан Макка европаликлар учун Римга (Киев, Краков ва бошқ.) ўхшайди. Асрлар давомида у ҳар йили кўп сонли диндорларни ўзига жалб этадиган оммавий зиёратларнинг муқаддас маркази бўлиб келган. Макка образи тожик мақолида бироз бошқача маънода «ўзиникини топади» маъносида ҳам қўлланган: Ҳоги хожиро аз Макка меэбад (Ҳожи Маккада ҳам ҳожи топади)

[15:194]. Тожик мақолларида мусулмон оламининг бошқа машҳур шаҳарлари – Мадина ва Бағдоднинг (масалан, Ошиққа Бағдод унчалик узоқ эмас) тасвирлари ҳам қўлланилади. Таъкидлаш жоизки, 762 йилда асос солинган, жаҳон ва ислом маданиятининг машҳур маркази, кўп асрлар давомида улкан араб халифалигининг пойтахти бўлган Бағдод турли Шарқ халқлари мақолларида учрайди [2:277]. Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг номлари форс мақолларида ҳам учрайди: *“Самарқандда думли мушук, Бухорода туёқли эшак”*. Бу мақолнинг маъноси – Американи кашф қилдим, қандай ажойиб! Бу ҳақда барчага маълум. Эронликлар бирор-бир нарса ҳақида ҳамма билсаю, биров билмаса шундай дейишади: (Бу ҳақда) фақат Хожа Ҳофиз Шерозий билмайди. Форс шоири Ҳофиз (тахминан 1315-1389) Шерозда яшаб ижод қилган, лекин унинг ғазали кўпчиликка маълум бўлиб, унда Самарқанд ва Бухоро тилга олинади: *Бе хол-э ҳенду-яш бахшам Самарқанд-о Бухоро-ро* (Қора холига Самарқанд ва Бухорони бераман) [2:278]. Шунингдек, ўзбек халқ мақолларида *“Гап десанг, қоп-қоп, Иш десанг, Аштархондан топ”*, *“Бева хотинга Бухородан ит хурар”* тарзида топонимлар ишлатилади. Мақоллардаги топонимлар ишлатилиши ҳақида Й.Раҳматов шундай ёзади:

Мақолларнинг пайдо бўлишида макон ва замоннинг ҳам аҳамияти катта. Мамлакатимиз ҳудуди вилоятлар, туманлар, қишлоқ ва маҳаллалар билан чегараланади. Ҳар бир жойнинг ўзига хос қадриятлари, тил хусусияти ва маданияти мавжуд. Жумладан, маълум жой номлари ҳам мақолларнинг шаклланишига сабаб бўлади: «Бева хотинга Бухородан ит хурар», «Бахтли кизим Бағдодда», «Келар бўлса, Шому Ироқдан, кетар бўлса қошу қабокдан», «Тентакка Тўйтепа бир қадам», «Гап десанг – қоп-қоп, иш десанг – Самарқанддан топ» [13:54].

Мақоллар ва мақоллардан кўпинча дунёнинг лингвистик тасвири шаклланади, бу она тилида сўзлашувчилар томонидан дунёни идрок этишни белгилайди. Дунёнинг лингвистик тасвири – бу ўзининг тузилишида ва тил томонидан идрок этилган қисмларининг алоқаларида яхлит ва кўп босқичли

мавжуд бўлган барча нарсаларнинг, халқнинг кўп асрлик тажрибаси билан ишлаб чиқилган тасвирдир. Мақол ва мақоллар орқали шаклланган дунё манзарасини таҳлил қилиб, унинг асосий хусусияти – антропоцентризмни ажратиб кўрсатиш мумкин [4:155]. Илмий адабиётларда мақолнинг мақомини аниқлаш масаласида турлича қарашлар мавжуд. Мақол ва мақолларни чегаралашда, биз Г.Л.Пермякова тушунчасига таянамиз. Олим «ёпиқ» (замкнутые) и ва «очик» (незамкнутые) жумлаларни ажратади [11:55]. Нутқда ўзгармас ва тўлдирилмаган фақат турғун компонентлардан ташкил топган гаплар очик гап дейилади. “Тўйгача тузалиб кетади” каби очик гаплар маталлардир. “Ҳаётда яшаш – дала кесиби ўтиш эмас” каби ёпиқ жумлалар мақолдир. Мақолни бошқа турларга оид мақолларга қиёслаб кўриб чиқиш улар билан ўхшаш хусусиятларга эга бўлган мақолнинг ўзига хос хусусиятларига эга эканлигини, ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туришини ва фақат ўзига хос вазифаларни бажаришини исботлайди [9:23-26].

Г.Л.Пермяков мақолнинг учлик хусусиятини тасвирлайди. Мақол, бир томондан, тил ҳодисаси, иккинчи томондан, ҳукмни ифодаловчи мантикий бирлик, учинчи томондан, бадий миниатюралардир [12:50]. “Мақол ҳар қандай ҳаётий ҳодисани аниқ ифодаловчи кенг тарқалган образли иборалардир. Шакл жиҳатдан яқин бўлган мақоллардан фарқли ўлароқ, гаплар тўғридан-тўғри ўргатувчи маънодан маҳрум ва ҳодисанинг маъжозий, кўпинча аллегорик таърифи билан чегараланади” [5:57]. Бундан келиб чиқадики, мақолларни маталлардан фарқлаш керак. Мақолнинг асосий хусусияти унинг тўлиқлиги ва дидактик мазмунидадир. Матал хулосанинг тўлиқ эмаслиги, ибратли характернинг йўқлиги билан ажралиб туради. Одатда, бундай иборалар мақол сифатида берилади: When pigs can fly – Чўчқалар уча оладиган пайт (рус: «Когда рак на горе свистнет»); When two Sundays come together – Икки якшанба бирлашганда (рус: «Когда луна с солнцем встретится») [3:172]. Ўзбек ва араб тилларида ушбу мақоллар *Хўжанинг қизи эрга теккунча, туянинг думи эрга тегади*, حَتَّى يَرْجِعَ الدَّرُّ فِي الضَّرِّعِ (Сут кўкракка қайтмагунча) каби айтилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мақоллардан кўпинча дунёнинг лингвистик тасвири шаклланади, бу она тилида сўзлашувчилар томонидан дунёни идрок этишни белгилайди. Дунёнинг лингвистик тасвири – бу ўзининг тузилишида ва тил орқали идрок этилган қисмларининг алоқаларида яхлит ва кўп босқичли мавжуд барча нарсаларнинг, халқнинг кўп асрлик тажрибаси билан ишлаб чиқилган тасвирдир. Мақол ва мақоллар орқали шаклланган дунё манзарасини таҳлил қилиб, унинг асосий хусусияти – антропоцентризмни ажратиб кўрсатиш мумкин [4:155].

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Антонова Е.Н., Бредис М.А., Владимирова Т.Е. Паремнология без границ. – Москва: Изд-во РУДН, 2020.
2. Бредис М.А., Димогло М.С., Ломакина О.В., Паремии в современной лингвистике: подходы к изучению, текстообразующий и лингвокультурологический потенциал // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Теория языка. Семиотика. Семантика, 2020.
3. Егорова Э.В., Крашенинникова Н.А. Пословицы и поговорки как объект изучения в лингвистике. //Вестник, 2014. – № 2(16).
4. Краснокутская М.А. Пословицы и поговорки как объект изучения в лингвистике //International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol. 11-5 (74), 2022.
5. Лазутин С.Г. Русские народные лирические песни, частушки и пословицы. – Москва: Высш. шк., 1990.
6. Максудов У. Арабские пословицы и поговорки: возникновение и развитие паремнологических словарей в арабской литературе. //Вестник Санкт-Петербургского университета. Вып 1. – 2012.
7. Содикова М. «Қисқача ўзбекча-русча мақоллар луғати» тўплами. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
8. Маслова В.А. Лингвокультурология. – Москва: Академия, 2001. – 208 с.



9. Мезенцева Е.С. Пословичный фонд языка как фрагмент языкового сознания этноса // Вестник КазНУ, 2005. – №2. – С. 23-26.
10. Мадаев О., Собитова Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Шарқ, 2010.
11. Пермяков Г.Л. К вопросу о структуре паремиологического фонда // Типологические исследования по фольклору: Сб. ст. – Москва, 1975.
12. Пермяков Г.Л. От поговорки до сказки (Заметки, по общей теории клише). – Москва, 1970.
13. Раҳматов Й. Мақол ва унинг ўзбек мумтоз адабиётидаги эволюцияси: ДСс илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган диссертация. Тошкент – 2023. – 270 б.
14. Koloshits, A.G. (2015). Methods of translating paroemiological units into Russian (based on Russian fiction) In *Ideas. Search. Decisions: a collection of articles and abstracts of the IX International scientific-practical. conf.* Minsk, November 25, 2015.
15. Kalontarov, Ya.I. *Tajik proverbs and sayings in analogy with Russian.* Dushanbe: Irfon. (In Russ.) – Dushanbe: Irfon, 1965. – 534.
16. Library.ziyounet.uz